XALQ DEPUTATLARI SHOFIRKON TUMANI KENGASHI
QAROR

Shofirkon tumani, Mustaqillik ko‘chasi, 4-uy. Tel: (365) 502-20-04

2022 - yil 19 - dekabr VI-69-201-2-41-K/22 Shofirkon tuman hokimligi

Туман маҳаллий бюджетининг йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳамда туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларини йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддаларига асосан Халқ депутатлари Шофиркон туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман ҳокимининг туман маҳаллий бюджетининг йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағларини йўналтириш тўғрисидаги таклифи 1-иловага, туман маҳаллий бюджетининг йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағларини йўналтиришдан иқтисод қилинган маблағлар 2-иловага, туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларини йўналтириш тўғрисидаги таклифи 3-иловага, туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларини йўналтиришдан иқтисод қилинган маблағлар 4-иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Рахмонов, туман ҳокимлиги молия бўлими (Н.Наимов) билан биргаликда:

мазкур қарорнинг иловасига мувофиқ кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш учун туман хокими фармойиши лойиҳасини бир ҳафта муддатда тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси талаблари асосида туман маҳаллий бюджетининг тасдиқланган параметрларига белгиланган тартибда тегишли

ўзгартиришларни киритиш вазифаси топширилсин.

3. Туман бўйича ғазначилик бўлинмаси (Д.Жабборов) ажратиладиган маблағларни белгиланган тартибда “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида мақсадли ишлатилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Рахмонов зиммаларига юклатилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Сессия раиси **А.А.Обидов**

Xalq deputatlari Shofirkon tuman
Kengashining
2022 yil 19 dekabrdagi
VI-69-201-2-41-K/22-son qaroriga
1-ilova

Туман маҳаллий бюджетининг йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан йўналтириладиган маблағлар

минг.сўмда

№	Тадбирлар номи	Ажратиладиган маблағлар миқдори
1	Вилоят ҳамда туман сектор раҳбарлари томонидан ҳудудларда ўтказилган сайёр қабулларда тушган мурожаатларни ижросини таъминлаш мақсадида кам таъминланган оилаларга қурилиш материаллари сотиб олиш харажатлари	14990,0
	Жами	**14990,0**

Xalq deputatlari Shofirkon tuman
Kengashining
2022 yil 19 dekabrdagi
VI-69-201-2-41-K/22-son qaroriga
2-ilova

Туман маҳаллий бюджетининг йил бошида шаклланган эркин қолиқ маблағларини йўналтиришдан иқтисод қилинган маблағлар

минг.сўмда

№	Тадбирлар номи	Ажратиладиган маблағлар миқдори
1	Туман ҳокимлиги Е-қарор харажатлари	260,0
2	Хожа Ориф маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Истирохат боғига тупроқ ташиш билан боғлиқ траспорт харажатларига	60,0
3	Саврак маҳалла фукаролар йиғини сув қувури харажатлари	4670,0
4	Шароф Рашидов МФЙ сув қувури тортиш харажатларига	10000,0
	Жами	**14990,0**

Xalq deputatlari Shofirkon tuman
Kengashining
2022 yil 19 dekabrdagi
VI-69-201-2-41-K/22-son qaroriga
3-ilova

Туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан йўналтириладиган маблағлар

минг.сўмда

№	Тадбирлар номи	Ажратиладиган маблағлар миқдори
1	Плакат пано харажатлари	10000,0
2	Вилоят ҳамда туман сектор раҳбарлари томонидан ҳудудларда ўтказилган сайёр қабулларда тушган мурожаатларни ижросини таъминлаш мақсадида кам таъминланган оилаларга қурилиш материаллари сотиб олиш харажатлари	21870,0
3	Халқ таълими бўлими муассасалари Куз-қиш мавсуми даврида муассасаларни иситиш тизими барқарорлаштириш учун керак бўладиган жихозлар сотиб олиш харажатлари	17500,0
4	Мактабгача таълим бўлими муассасалари Куз-қиш мавсуми даврида муассасаларни иситиш тизими барқарорлаштириш учун керак бўладиган жихозлар сотиб олиш харажатлари	19971,0
5	МФЙ Интернет хизмати харажатлари	10000,0
	Жами	**79341,0**

Xalq deputatlari Shofirkon tuman
Kengashining
2022 yil 19 dekabrdagi
VI-69-201-2-41-K/22-son qaroriga
4-ilova

Туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларини йўналтиришдан иқтисод қилинган маблағлар

минг.сўмда

№	Тадбирлар номи	Ажратиладиган маблағлар миқдори
1	Туман хокимлиги биносини узлуксиз электр-энергия билан таъминлаш учун керакли жиҳозлар (генератор) харид қилиш харажатлари	27000,0
2	Ёшлар ишлари агентлиги Шофиркон тумани бўлими биносини таъмирлаш учун қурилиш материаллари ва ободонлаштириш харажатлари	154,0
3	Халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактабларига электрон доска сотиб олиш харажатлари	4500,0
4	Талисафед МФЙ ҳудудида тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш (30 дона) хамда Қуйи Чуқурак МФЙ ҳудудида тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш (15 дона) харажатлари	5716,0
6	Генератор ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар (ДХХ)	6000,0
7	Туман ҳокимлиги биносини фасад кисмини ва олд қисмини таъмирлаш учун қурилиш материаллари сотиб олиш харажатлари	3332,0
8	Туман марказидаги аҳоли гавжум кўчаларида камера ўрнатиш харажатлари	29850,0
9	“Гулистон”, “Читкарон”, “Неккиши” МФЙларига янги бино қуриш билан боғлиқ харажатлар	789,0
13	Тумандаги 39-сонли умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш харажатлари	2000,0
	Жами	**79341,0**